

УЎК (УДК, UDC): 82-311.1
DOI:10.36078/1565767847

БИЛВОСИТА НУТҚ — “ЛОЛАЗОР” РОМАНИДА БЕВОСИТА ПСИХОЛОГИЗМ КҮРИНИШЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА



Мавлон Раҳматиллаевич БОБОХОНОВ

Филология фанлари номзоди (PhD)

Самарқанд давлат университети

Самарқанд, Ўзбекистон

[mboboxon35@gmail.com.](mailto:mboboxon35@gmail.com)

Аннотация

Мақолада ўзиники бўлмаган кўчирма гапнинг персонаж ички оламини тасвирлашдаги ўрни ўрганилган. Психологизм бевосита кўриниши ҳисобланадиган ички нутқнинг роман қаҳрамонлари руҳиятини очишдаги роли аниқланган. Ўзиники бўлмаган кўчирма гап адабиётшуносликда билвосита муаллиф нутқи сифатида қўлланилишига изоҳ берилиб, соҳа мутахассисларининг бу борадаги фикрларига муносабат билдирилган. Билвосита нутқнинг “Лолазор” романида бевосита психологизм кўринишларидан бири сифатида келиши исботланган.

Калит сўзлар: бевосита психологизм; билвосита муаллиф нутқи; руҳий таҳлил; нутқий характеристика; ички нутқ.

КОСВЕННАЯ РЕЧЬ КАК РАЗНОВИДНОСТЬ ПРЯМОГО ПСИХОЛОГИЗМА В РОМАНЕ «КРАЙ, ПОКРЫТЫЙ ТЮЛЬПАНАМИ»

Мавлон Раҳматиллаевич БОБОХОНОВ

Кандидат филологических наук (PhD)

Самарканский государственный университет

Самарканд, Узбекистан

[mboboxon35@gmail.com.](mailto:mboboxon35@gmail.com)

Аннотация

В статье изучается место несобственно-прямой речи в изображении внутреннего мира персонажа. Раскрывается роль этого вида внутренней речи, являющегося разновидностью психологизма. Разъясняется, что несобственно-прямая речь используется в литературоведении как косвенная речь, даётся собственная точка зрения по поводу того, как специалисты относятся к этому явлению. Утверждается, что косвенная речь является разновидностью прямого психологизма в романе “Край, покрытый тюльпанами”.

Ключевые слова: прямой психологизм; косвенная речь; психологический анализ; речевая характеристика; внутренняя речь.

INDIRECT SPEECH AS TYPE OF THE DIRECT PSYCHOLOGISM IN THE NOVEL “THE EDGE COVERED WITH TULIPS”

Mavlon Rahmatillayevich BOBOKHONOV

Doctor of Philosophy (PhD)

Samarkand State University

Samarkand, Uzbekistan

mboboxon35@gmail.com

Abstract

The article examines the place of indirect speech in the image of the character's inner world. The role of this type of inner speech, which is a kind of psychologism, is revealed. It is explained that improperly direct speech is used in literary criticism as indirect speech, and given own point of view about how specialists relate to this phenomenon. It is argued that indirect speech is a kind of direct psychologism in the novel “The Edge Covered with Tulips”.

Keywords: direct psychologism; indirect speech; psychological analysis; speech characteristics; internal speech.

Насрий асарда қаҳрамон образини яратиш жараённида психологик тасвирнинг бевосита шакли саналадиган ўзиники бўлмаган кўчирма гап ҳал қилувчи ўрин тутади. Худди монолог сингари, ўзиники бўлмаган кўчирма гап ҳозирги ўзбек психологик насирида персонаж фикр ва туйғулари динамикасини етказишининг энг муҳим воситаларидан бирига айланиб бормоқда. Тоғай Мурод, Хайриддин Султон, Мурод Муҳаммад Дўст ёзувчилар психологик тасвирнинг ёрқин устаси эканликларини ўз қисса ва романлари орқали намоён қилди. X. Султон ва Т. Мурод ўзиники бўлмаган кўчирма гапни ҳикоя ва қиссаларда ишлатган бўлсалар, М. М. Дўст “Лолазор” романни персонажлари рухиятини очишида ички нутқнинг айни шу шаклига кўпроқ мурожаат қиласиди. Роман матни турли ҳикоя субъектлари нутқининг қурамасидан қад кўтарганки, бунинг таҳлили орқали ёзувчи услубини белгилаб олиш мумкин бўлади.

Таъкидлаш жоиз, “Лолазор” романни ўзбек адабий-эстетик тафаккурининг етук намунаси ва у миллий романчилик тараққиётининг юксак босқичга қадам қўйганлигидан далолат беради. Бу асар роман жанрининг инсонни бадиий кашф этиш, тасвирлаш, таҳлил, тадқиқ ва талқин қилиш тамойилларининг нақадар ранг-баранглигини, инсонга ёндашувнинг кутилмаган қирралари мавжудлигини исботлади.

“Лолазор” қаҳрамонлари тасвирида асосан ёлғизлик, ғам-ғусса, ҳасрат мотиви устунлик қиласиди. Инсоннинг идеал интилишлари ва конкрет ҳаётий қарама-қаршиликлар ўртасидаги, истаклар ва имкониятлар аро зиддиятлар

юзага келтирган руҳий ҳолатлар туфайли, одамлар орасида ҳаёт кечирсаларда, уларнинг аксарияти ўзларини ёлғизлик гирдобида ҳис қиласидар. Шундай дамларда ўзиники бўлмаган кўчирма гап иштирок этган саҳналар ёзувчига персонажларнинг бегона кўзлардан яширин ички оламига кириш, мураккаб руҳий ҳолатини тасвирлаш, чуқур мотивли психологик портретларини яратиш имконини беради.

Персонажларнинг психологик-эмоционал ҳолатларини ва ўй-кечинмаларини бериш учун М. М. Дўст бир вақтнинг ўзида ҳам бадиий психологизм, ҳам нуқтаи назарлар полифониясини бадиий қайта тиклашнинг етакчи тамойилларидан бири – ўзиники бўлмаган кўчирма гапдан (бильосита нутқдан – Й. Солижонов термини) кенг фойдаланади. Масалан, кам ишлатиладиган ва мураккаб ибораларни қўллашни яхши кўрадиган Яхшибоевнинг нуқтаи назари кўпинча унинг шу одати туфайли романдаги ҳикоя қилиш хиллари орасида алоҳида ажралиб туради: “Дейлик, у кечикироқ қолгудай бўлса, жўнроқ йиғинлар бошланмай турарди. Яхшибоев келарди, интиқ ўтирган одамларга қараб илжаярди, узр сўрарди, ҳатто важху баҳоналар ҳам тўқирдики, бариси жўяли бўларди. Лекин одамлар Яхшибоевга ишонмасди. Ўйлашардики, **Яхшибоев ўша жойдан келаяпти**” (2, 9).

“Лолазор”да М. М. Дўст ўзиники бўлмаган кўчирма гап ёрдамида Назар Яхшибоев ва Муҳсинахон ўртасидаги ҳаётий истаклар, шубҳа-гумонлар, келишмовчиликлар чақирган жўшқин ҳис-туйғуларнинг мураккаб гаммасини очади. Кексариб қолган эр-хотин узоқ йиллардан бери бирга яшаётганликлари, неварали эканликларига қарамай, бир-бирларини эшита ва тинглай олмайдилар, “қўш ҳўқиз” бўлса-да, ич-ичдан ёлғиз, руҳий ҳаловатдан айро тушган. Бундай чигал муносабатларни ифодалашда кўп ҳолларда бош қаҳрамон Назар Яхшибоев тилидан ички нутқнинг худди шу хили келтирилади: “Яхшибоев биладики, Аввалбекнинг айтганлари сал бошқачароқ, яъники анави *cassisq taka* ўлганидан кейин ҳам бирорлар китобини ўқирмикан? Ҳар ҳолда, таърифи аниқ, неча йилдирки, бу таъриф болаларнинг миясига ўрнашиб қолган. Таърифни Муҳсина тўқиган, мендан ғазабланиб, мени лаънатлаб, бечора Олиянинг гўрига ғишт қалаб тўқиган. Билмайдики, *ѓўрингда тўнгиз қўпгур* Яхшибоев у пайтларда кўп покиза эди, Яхшибоев Олияни тусагани билан, бирор уч йилгача қўлини ҳам ушлай олмаган, ботинмаган, қўрқсан, эҳтимолки, ўша аёлни яхши қўрган...” (2, 11).

Кўринадики, муаллиф ўзиники бўлмаган кўчирма гап кўмагида қаҳрамонига юракдагини тўкиб солиш, нафрат ва ғазабини ифодалаш

имконини бермоқда. Буни алоҳида таъкидлаш мақсадида Мұхсинанинг гапларини (*cassiq тaka, гўрингда тўнғиз қўпгур*) матнда ажратиб келтиримоқда. Ўзиники бўлмаган кўчирма гап бундай руҳий тарангликни юзага келтиришда энг қулай восита бўлиб хизмат қилаётир.

Т. Борейкина таъкидлаганидек, “инсон ўзини қийнаётган, тинчлик бермаётган нарсалар ҳақида ўз қалби ичкарисида қўрқмасдан очиқ гапирмаса, яна қаерда ҳам гапиради. Бу ҳақиқатни тушуниб этишнинг айрича имкони, қалбни англашнинг ўзига хос йўлидир” (1, 271). Демак, ўзиники бўлмаган кўчирма гап персонаж кайфияти, ҳис-туйғулари, кечинмаларини бевосита нутқда бўлганидек эмоционал бўёқларда, лексик ва синтактик ўзига хослигини сақлаб қолган ҳолда тақдим этишдир. Бироқ у ҳаракатдаги шахс номидан эмас, ҳикоячи-муаллиф номидан олиб бориладики, бу уни билвосита нутққа яқинлаштиради.

Назар Яхшибоев ўзига ўзи икрор бўлганидек, “...тан оғримайди, лекин хасталик бордай, ҳар ҳолда, касалхонада, касал ётадиган палатада ётибди”ки, шу парчада, қолаверса роман матнининг деярли ярмини эгаллаган Назар Яхшибоевнинг бошқа ички нутқлари орасида келадиган ўзиники бўлмаган кўчирма гапларда қандайдир ғамгин талаффуз, ҳасрат устунлик қиласи, мазмун жиҳатдан омадсиз тақдирдан нолиш оҳанглари сезилади: “Айни манзара – кузнинг тиниқ осмони, оҳиста сузган мезонлару бошқа белгилар, токи кунботардаги қир ёки адирга қадар – қишлоқдан адашиб келган қалам аҳлининг барчасига таниш эканини у билмасди. Янада аникроғи, ўзгаларнинг туйғуларини унчалик менсимасди. Кейинроқ, ҳали темирқанот ҳам бўлиб улгурмаган сурбет бир йигитчанинг ўзидан ҳам ёқимсизроқ бир қаҳрамони, Гайбаров деган кимса (“Фамилиясига қаранг, Чоршанби болам, фамилиясида қанча иддао бор!”), Галатепа деган қишлоқнинг кунботарида, худди Яхшибоев ўйлаган қирдақа бир қир устида, тошлоғу тиканзорда, ақли кўтоҳ бир одам билан ёнма-ён, ботаётган қуёшга юз бериб турганини тасодифан ўқийди, ғазабланади, ўшал манзарани сал олдинроқ амлокига қўшиб олмаганига афсусланади. Афсус асносида, болалиқдаги ўйинларини эслаб жилмаяди, яъниким, *туф – меники, туф-туф – меники!..*” (2, 8).

Ушбу парчада қаҳрамон хусумат қўзи билан қараётганлиги ортидан муаллифнинг ўзидан олдинги асарларга киноявий ёндашувчи сезилмоқда. Диққат қилинса, ҳикоя қилиш йўсунининг ўзгариши натижасида Яхшибоевнинг одамларга муносабатида, яъниким, ташқи нутқида муомала маданиятига, умум томонидан қабул қилинган тартибларга бўйсunaётганлиги

сезилади. Аммо унинг ички нутқи мутлақ бўлакча тузилади, онг остида кечаётган фикрлар мисли пўрганадек тошади, бирор-бир қолипга сифмайди.

Учраган одамга боғлаб латифа тўқиши Назарбоевнинг ҳаёт мушкулликлари устидан кулиб яшашга бўлган интилишини англатади. Аммо унинг бирдан-бир юксак орзуси – Искандару Доролар каби ўзидан абадий бир латифа қолдириш, “латифаки, барча замонларда уни эслаб юришсин”. Биргина оромгоҳ ҳовлисида дуч келган нотаниш раис йигитга берган маслаҳатлари ҳам кези келиб афсонага айланишига у шубҳа қилмайди. Ўзини жуда буюк – халқ Отаси ҳис қиласи. Ўзиники бўлмаган кўчирма гап унинг шу вазиятдаги ўйларини қандай бўлса, шундайлигича беради: “Бирор ўттиз йил ўтиб, дўлвор раис шуҳрат топадиу сон минг одамнинг оғзини ланг очдириб қўйиб ҳикоя қиласи: ёши эдик, гўёр эдик, ишнинг кўзини билмас эдик, лекин тақдирнинг ўнглигини қарангки, бир куни иттифоқо кимсан Назар ота Яхшибоевнинг сұхбатига мушарраф бўлдик, у киши бизга айтдиларки...” (2, 97).

А. Ф. Гуломовга кўра, “Сўзловчи ҳамма вақт ҳам ўз фикринигина баён этиб қолмайди, у баъзан ўзганинг гапини ҳам ўз нутқи ичида ишлатади... Ўзганинг гапини ифода этувчи шахс автор, унинг гапи эса автор гапи дейилади. Авторнинг маълум шахс фикрини ўз нутқи ичида келтириши ўзганинг гапи дейилади. Гапи ифодаланаётган шахс сўзловчи саналади” (6, с. 293). Бу ерда гап қисман муаллиф нутқи, хусусан, у хоҳ ҳикоячи, ровий ёки персонаж бўлсин, нутқ субъектлари ҳақида бормоқда. Шу ўринда профессор Йўлдош Солижоновнинг муаллиф нутқи турли-туман шаклларга эга эканлиги ҳақидаги фикрлари эътиборли. Олим русларнинг “несобственно-прямая речь автора” иборасини “бильосита автор нутқи” ёки “субъектив муаллиф нутқи” деб аташни таклиф қиласи.

Дарҳақиқат, “Ўзганинг гапи кўчирма гап билан ўзлаштирма гап оралиғидаги ҳолатда бўлади. Бунда ўзганинг фикри муаллиф гаписиз – сўзловчининг иштирокисиз баён қилинади, яъни муаллиф кўчирма гапдаги сўзловчи вазифасини бажаради. Шунинг учун бундай гаплар **ўзиники бўлмаган кўчирма гап** ҳисобланади” (4, 154). Яна бир иқтибос: “Ўзиники булмаган кўчирма гаплар кўпроқ бадиий асарларда учрайди. Бунда автор персонаж тилидан гапириб, воқеага ўз муносабатини билдиради” (6, 301).

Д. Куронов, З. Мамажонов ва М. Шералиева томонидан тузилган, ҳозирги тадқиқотчиларнинг зарур таянчига айланган “Адабиётшунослик луғати”да ривоянинг таркибий қисмлари ҳақида сўз борганда, “муаллиф тилидан берилган персонаж ўй-фикрлари “ўзиники бўлмаган муаллиф нутқи”

сифатида таърифланади (5, 251). Насрий асардаги нутқ турларини текширишда юқоридаги таърифлардан “билвосита муаллиф нутқи” атамасини қўллаш осонроқ ва тушунарлидек туюлади.

Романда Назар Яхшибоевнинг билвосита нутқлари таъсирчанлиги билан ажralиб туради, кўплаб оғир ўй-фикрлар, руҳий хитоблардан иборат иборалар тузилишининг ўзиёқ қаҳрамоннинг кучли эмоционал зўриқиши ҳолатида эканлигидан далолат беради. Бемор барча бошдан кечирганларини энди тўлиқ ўз ичида кечиради. Фақат билвосита нутқина унинг фикрлари оқимини, виждони олдида ҳал этиши шарт бўлган психологик муаммоларни кўриш имконини беради: “Айни манзарага ўзи ҳам ишонди. Мижжасига қалқсан икки томчи ёшни, бошини сал қўйи эгиб, гўё меҳмонларга кўрсатмаган бўлиб, секин бармоғи билан сидириб ташлади. Бошини кўтариб, меҳмонларнинг кўзларида недир меҳр товланганини кўрди. Кўргани баробар кулгиси қистади. *Ғирт майнавозлик-ку, Яхшибоев, деб ўйлади, бу бечораларнинг кўнглини бузии шунчалик шарт эдими?*” (2, 162).

Яхшибоевни ўртаётган, унга ҳаловат бермаётган ўй-фикрларнинг фожеий руҳи яшаб бўлинган умр ва ҳозирги мавжудликнинг бемаънилиги ҳақидаги хулоса билан хотималанади, бутқул ёлғизлик ортидан келувчи чуқур қайғуни тан олиш билан якунланади. Юракдан гаплашадигани, ичидагини тўкиб соладигани йўқлиги туфайли унинг кечинмалари онг оқимини эслатиб юборувчи ички нутқ орқали ифодаланади. Доктору ҳамшираларнинг барчаси ёш эканлиги ҳақида ўйлай туриб, бехосдан ўй-фикрлари йўналиши бутунлай бошқа ўзанга юз тутади, марҳум таниши Шариф ва у билан боғлиқ турфа хаёллар онгига ғужғон ўйнайди. Зум ўтмай, яна ҳозирги ҳолати, ёнидаги одамлар тўғрисида мулоҳаза юрита бошлайди. Ёзувчи буларнинг барчасини худди видео тасмага ёзиб олаётгандек тасвирлайди: “Бари дурқун, бари чиройли. Беихтиёр эслайдики, марҳум дўсти (дўст эдими?) Шариф ўлими олдидан, чамаси, ўлимидан бирор ҳафта бурун, эмлагани кирган ҳамширага ташланиб қолган экан: **фақат сиз эмлайверсизми, жонидан?**” (2, 14).

Ровий ҳикояси орқали берилган шунга ўхшаш ички “манзарапар” қаҳрамоннинг ёлғизликда хаёлга толиши кўринишида тасвирланади. Қаҳрамонларнинг ҳаётдан узилиб, ўзи билан ўзи овора бўлиб қолганликларини кўрсатиш мақсадида ёзувчи аввалроқ “Мустафо” ва “Истеъфо” номли қиссаларида ҳам бундай ўйга чўмишларни тасвирлаган эди. “Лолазор”да бу тизимли тус олади. Яхшибоевга ҳеч ким хайриҳоҳлик қилмайди, унинг кечинмалари ташқарига ҳеч қачон кўчмайди, ўзининг забун

ҳолати ҳақида у ҳеч кимга лом-мим дея олмайди. Уни ўртаётган руҳий изтироблар ҳақида фақатгина ички нутқ, ўзиники бўлмаган кўчирма гап воситасидагина хабар топамиз.

Романда ёлғизлик дарди кемираётган Яхшибоевнинг ички дунёси таҳлилнинг асосий обьекти қилиб олинган. Қаҳрамоннинг руҳан ёлғизлиги ва андухга ботганлиги сабаблари бирданига очилмайди; у секин-аста, ровийнинг қаҳрамон қилмишлари, ўй-фикр ва кечинмаларини кузатиши жараёнида юзага чиқади. Шу тариқа, романда ҳикоя қилиш ҳодисасининг ўзи руҳий таҳлил фойдасига ишлай бошлайди. Яхшибоевга тегишли ўзиники бўлмаган кўчирма гапларнинг тузилишиям тобора мураккаблашади: бошида қаҳрамоннинг ўзини тутиши ҳақида ҳикоя қилаётган ровийнинг сўзлари келади, кейинроқ ровий қаҳрамон руҳий ҳолатини характерлашга ўтади, шундан сўнггина навбат ўзиники бўлмаган кўчирма гапга келади, ички нутқнинг бу хили онг оқимиға менгзаб кетади:

“Яхшибоев хотинига маъноли қараб қўйди – рағбат билдирган бўлди. Ана, кўрдингми, демоқчи бўлди (дегани йўқ. – *M. Б.*), бир гапни икки хил қилиб айтиш мумкин, хотинжон, иложи борича қўпол иборалардан қочиш керак, жўялироқ, умумийроқ бўлсинки, ўшандада гўё маъно тиник чиқади, маъно ортидаги муайян воқеа эса дахлсиз тураверади. Энди ёшлигимиз қолмади, хоним, бир оёқ тўрда-ю, бир оёқ гўрда, кўрадиганимизни қўрдик, оладиганимизни олдик, гўё ҳаётдан неларнидир ундирангандай бўлдик, обрў, шухрат, бойлик... Аслида ҳаёт дегани бизни маҳв этмадими? Гўё бир умр майда-чуйда ўйинчоқлар тутқазиб, алдаб-авраб келгандай. Бу не ўзи, хоним? Умидсизликми?.. Афсусга ўрин йўқдай, ҳар ҳолда, биз эришган нарсалар унчалик кўп эмаски, ачиниб ташлаб кетсак? Ачинадиган бошқа, дейлик, Искандари Зулқарнайн, дейлик, Ошно. Йўқ, Ошно ул шарафга арзимайди, ул шараф ва ул латифа бир мартагина айтилгани тузук, яъники, Искандар ўлибдию тоштобутдан қўлларини осилтириб кетибди, айтмоқчи бўлибди-ки, мана, мен дунёни забт этдим, лекин у ёққа ҳеч вақо олиб кетолмадим!.. Лаънати шоҳ, мугуздору ғаддор, кўп ақлли бўлган, эҳтимолки, дунёни забт этиб юриб, етиму есирларни зор қақшатиб юриб, неча йиллар мобайнида шу латифани ўйлаб-пишитгану ўлим баҳонасида ошкор этган. Ўзича давр сурган, еган-ичган, қиличбозлик қилган, аёллар билан ётган, лекин, жиддийроқ ўйлаб қарасанг, бутун умри нари борса уч сатрли латифаю маталга жо бўлибди, бутун умри, урушу истилолари, еган-ичганлари, суйган-кучганлари, хуллас, бариси – шу уч сатрли маталга илова, холос... Хуллас,

хотин, бу гулшан ичра йўқдир бақо гулиға сабот, ажаб саодат эрур қолса яхшилиғ била от. Лекин ўшал отни қачон қолдирамиз, қолдириб улгурамизми?..

Яхшибоев эътибор берса, хотини гапираётган экан” (2, 23–25). Шу тариқа, ёзувчи қаҳрамон руҳий ҳолатининг яширин, унинг ўзигада тўла тушунарсиз картинасини аслидай қилиб тасвирлайди. Яхшибоев ўз қалбида нималар юз бераётганини яхши тушунмайди, охири йўқ хаёллар тўридан, тобора ўз домига тортаётган бекарорликдан халос бўла оладими-йўқми, шу саволларга жавоб топа олмай, чукур ўйга ботади. Унинг қалбида ички кураш бормоқда, фикрлари қарама-қарши ва пала-партиш, гумону тахминлар уни ҳолдан тойдирган. Муаллиф қаҳрамон руҳий ҳолатининг барча нозикликларини пайқаши ва тушуниши, фаҳмлаши ва ифодалази мушкул. Шу тарзда ташкил қилинган ўзиники бўлмаган кўчирма гап мураккаб ва қарама-қарши ички ҳолатни лўнда, қобиққа ўраб, аммо таъсирчанликка тўйинтириб тасвирлашнинг энг маъқул усулига айланади: “Умуман, оқсоқол ёзувчининг куни шунаقا қаттиқ – азбаройи нуфузни деб, ўзи ўйламаган ҳақиқатларни ҳам айтиб юборади. Ҳозиргиси унчалик ёмон чиқмади. *Aхир, битта ҳалқ ғамида киройи қайғурмоқ шунча бўлар-да!*.. Бу ёғи яна бир рост гапни ҳам айтди. *Беш минг сўм учун киночиларнинг кетидан итдай тилини чиқариб югурдиган аҳмоқ йўқ! Ана, ёшлилар бор, ўшалар қилсин!* Ўзбек киноси, ўзбек киноси, деб жар солишади, хўш, қани, бориб кўришишин-чи, ўша ўзбек киносида ўзбекчани биладиган бешта одам топилармикан!..” (2, 164).

Айнан ўзиники бўлмаган кўчирма гап муаллифга қаҳрамоннинг учикуйруғи йўқ ўй-хаёлларининг, такрор ва такрор қайтиб келаётган туйғуларининг, фикр, кечинма ва истакларининг якунини баён қилишда асқотган: “Яхшибоев зериқди. Суҳбатнинг давоми не бўларини олдиндан биларди. Ўша эски мазмун: Аввалбек ичади; Оллоёр ўлгудай бўшанг; келинларнинг қўли эгри; биргина Муҳсима хоним оппоқ, биргина Муҳсима хонимга ишонса бўлади, айниқса – васияту мерос масаласида! *Мунча кўзинг оч, энагар кампир, сенга мерос чи кора, у ёққа орқалаб кетасанми?*” (2, 314).

Давр, муҳит, шум тақдир ўйинлари сабаб бир пайтлар тул қолган келинчакка ҳам озор етказишдан чўчийдиган Яхшибоев аламзада кимсага айланади. Энди у ҳаммаси учун ҳаммадан ўч олиши керак. Ҳатто, жони узилолмай бесарак ётган Курбонойнинг олдида ҳам домангирлик қиласи: “Тинмай гапиаркан, юзи уятдан қизиб бораётганини сезди. Ичиди ўзини юпатдики, *Курбоной ҳеч қачон тепага чиқмайди, ўзи ётган дангиллама*

палатани кўрмайди, гоғил қолаверади, ахир, Кўзибой унга, Яҳшибоевни мен ўзим чақирдим, деб айтмайди-ку?.. Балли, Яҳшибоев, гапираверинг, бетимнинг қалини – жонимнинг ҳузури, яна гапиринг!..” (2, 300).

Шу тариқа, ўзиники бўлмаган кўчирма гап “Лолазор” романида инсон рухиятининг синоатларини англаш, руҳий жараённи у эндиғина туғилаётган, кечеётган ва якунига етаётган пайтларда ёритишга кенг имкон берган. Бевосита (тўғридан-тўғри) психологизмнинг бу усули одамлар орасида ёлғизликка дучор бўлган, ўзига беркиниб яшашга мажбур Назар Яҳшибоев ички дунёсини аслидагидек тасвирлашда жуда қўл келган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Борейкина Т. П. Монолог и исповедь как приемы психологического изображения драматических героев в пьесах В.И. Мишаниной // Вестник Чувашского университета. 2011. № 1. — С. 271–275.
2. Дўст М. М. Лолазор. — Тошкент: Шарқ, 1998. — 560 б.
3. Солижонов Й. Нутқ ва услуб. — Тошкент: Чўлпон, 2002. — 128 б.
4. Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Ўқув кўлланма. — Самарқанд: СамДУ нашри, 2001. — 172 б.
5. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. — Тошкент: Akademnashr, 2013. — 408 б.
6. Ғуломов А.Ғ., Асқарова М. А. Ҳозирги ўзбек адабий тили (Синтаксис). — Тошкент: Ўқитувчи, 1965. — 316 б.

REFERENCES

1. Boreykina T. P. *Vestnik Chuvashskogo universiteta*, 2011, No.1, pp. 271–275.
2. Dust. M. M. *Lolazor* (Tulip Garden), Tashkent: Sharq, 1998, 560 p.
3. Solijonov Y. *Nutq va uslub* (Speech and style), Tashkent: Chrlpon, 2002, 128 p.
4. Urinboyev B. *Hozirgi uzbek adabiy tili* (The current language of uzbek literature), Samarqand: Samarkand State University, 2001, 172 p.
5. Qur'onov D., Mamajonov Z., Sheraliyeva M. *Adabiyotshunoslik lug'ati* (Dictionary of literary studies), Tashkent: Academic edition, 2013, 408 p.
6. Gulomov A. G., Asqarova M. A. *Hozirgi uzbek adabiy tili* (Current Uzbek literary language), Tashkent: Teacher, 1965, 316 p.